

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

БЕГИМОВ НУРИДДИННИНГ

**5340100- иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун “ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ШАРОИТИДА ТУЗИЛМАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ” (миллий иқтисодиёт мисолида)
мавзусидаги битирув малакавий иши**

**Раҳбар: “Иқтисодиёт” кафедраси
Катта ўқитувчиси Аллаярова М.Қ.**

ГУЛИСТОН – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
 I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ.....	7
1.1. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши.....	7
1.2. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларининг моҳияти ва тамойиллари.....	13
 II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ТУЗИЛМАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	20
2.1. Саноатнинг ўсиш суръатлари ва тармоқ таркибидаги ўзгаришлар.....	20
2.2. Аграр тармоқни ривожлантириш омиллари.....	28
2.3. Замонавий хизмат турларининг ривожланганлик ҳолати.....	38
 III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ВА УНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЭТИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	47
3.1. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёни таҳлили.....	47
3.2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш тузилмавий ўзгаришларни шарти сифатида.....	53
ХУЛОСА.....	63
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	67-70

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда жаҳонда давом этаётган глобаллашув жараёни, ривожланиш даражасидан қатъи назар, дунёдаги барча мамлакатларда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз эса ушбу рақобат курашини янада кескинлаштирмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ўсишига эришишнинг асосий омили унинг рақобатдошлигини оширишдан иборат. Фақат шу йўлгина мамлакатнинг Ер юзидаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлай олади.(5)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар шунинг асосида, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни каттадир. Шу нуқтаи назардан қараб, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан “чидамлилик”, мустақил ривожланиш салоҳияти айнан иқтисодиётнинг

турли тармоқларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Айни вақтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни барча соҳа ва жабҳаларда жадал ислохот ва модернизация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантикий мувозанатни таъминлаш алоҳида муҳим ўрин тутди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш йўналишлари таниқли олимлар томонидан ёритилган. Миллий иқтисодиёт, унинг тармоқлари таркибидаги ўзгаришлар ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар Президентимиз И.А.Каримов асарларида кенг акс этган. Шу жумладан, республикамиздаги олимларидан А.Э. Ишмухамедов., М.Т.Асқарова., А.Йўлдошева., Н.Тухлиев., А.Ш. Бекмуродов., И.У.Мажидов., А.Собиров., Н.А. Зикриллаева., У.В.Ғофуров., Ш.И.Мустафоқулов., Р.З.Юлдашев., Х.П.Абулқосимов асарларида ёритилган. Америка иқтисодчилари Стенли Брю, Кэмпбелл «Экономикс» асарида миллий иқтисодиётни тармоқ хўжалигини ташкил этиш жараёнининг аҳамияти акс эттирилган.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари. Малакавий ишнинг мақсади – миллий иқтисодиёт тармоқларида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш йўналишларини таҳлил қилиб ёритиб беришдан иборатдир. Мақсадга эришиш вазифалари қуйидагилардан иборат: миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ёритиб бериш; иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларининг моҳияти ва тамойилларини тушунтириб бериш; миллий иқтисодиётни етакчи тармоқларида тузилмавий ўзгаришларни таҳлил қилиш; иқтисодиётни тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёнини акс эттириб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Битирув малакавий ишининг объекти миллий иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ қилишда тузилмавий

ўзгаришларнинг ўрни ва аҳамиятини, тармоқ хўжалигидаги муаммолар ва ривожлантириш йўналишларини ёритиб беришдан иборатдир. Миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги, жумладан саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги тузилмавий ўзгаришлар ўзгаришлар ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти. Мавзунини ёритиш жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, статистик, графикли ва математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш қилиш, ишлаб чиқаришни диверсификация этиш ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган энг долзарб вазифа ҳисобланади. Модернизация – ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади. Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир. Иқтисодиётнинг тармоқларида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш воситаси сифатида модернизация ва диверсификация жараёнлари ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Битирув малакавий иш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва ислохотларни олиб бориш мамлакатдаги барқарорликни таъминлайди. Аҳолининг турмуш даражасини оширади. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг, авваламбор, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни каттадир.

Тадқиқот ишининг ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган. Асосий қисми уч бобдан иборат. Биринчи бобда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнлари ўз аксини топган. Иккинчи бобда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги тузилмавий ўзгаришлар таҳлили қилинган. Учинчи бобда иқтисодиётни тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этишнинг ҳолати таҳлили қилинган. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш тузилмавий ўзгаришларни шарти сифатида ўз аксини топган. Хулоса қисмида иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар натижасида эришилган ютуқлар ва ривожланиш йўналишлари берилган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

1.1. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши

Иқтисодиёт мураккаб ва кўп қиррали хусусиятга эга. У ҳар бири аниқ вазифани бажарадиган ва шунинг билан бирга бошқа бўғинлар ҳаракатини таъминлайдиган кенг тармоқли турли хил бўлимлар тизимидан иборат. Шунинг учун иқтисодиётнинг таркиби доимо ривожланишда ва такомиллаштиришда бўладиган мураккаб организмдир.

Иқтисодиётнинг таркиби деганда маълум омиллар таъсирида юзага келган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимотини ифодалайдиган иқтисодиёт тармоқларининг нисбати тушунилади.

Миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш соҳаларига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ўрмон хўжалиги киради. Ноишлаб чивариш соҳасига транспорт, алоқа, коммуникация, савдо, тайёрлов тизими, умумий овқатланиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт киради. (16)

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шакллари кўринишида бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари шаклланади:

1. Иқтисодий мустақил мулк эгаси, яъни истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди.

2. Фирма, корхона, хўжаликлар ва уларда банд бўлган тадбиркорлар. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар.

3. Давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари. Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Ишчи кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиб товар ишлаб чиқарадилар ва хизматлар кўрсатадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1993 йилда қабул қилинган МСТининг 3-таҳририда Миллий иқтисодиёт икки қисмга ажратилган: ички иқтисодиёт ва қолган дунё (ташқи дунё).

Ички иқтисодиёт беш секторга ажратилган.

1. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрстаиш корхонлари (номолиявий корхоналар);
2. Молия ташкилотлари;
3. Давлат ташкилотлари;
4. Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар;
5. Уй хўжалиги.

Миллий иқтисодиётнинг иккинчи қисми қолган дунё ёки ташқи дунё секторидир. Унга ташқи иқтисодий алоқалар киради. Бу сектор асосан чет давлатлар ва мамлакат институционал бирликлар (резидентлар) ўртасидаги муомалаларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

Макроиқтисодиётни секторларга бўлиб ўрганиш бозор муносабатларини тартибга солиш учун зарур бўлган макроиқтисодий кўрсаткичлар тизimini ишлаб чиқишда, макроиқтисодий таҳлилни амалга ошириш ва макроиқтисодий қонуниятларни аниқлашда, макроиқтисодиётни бошқариш учун зарур бўлган тегишли тавсияларни тайёрлашда катта аҳамият касб этади. Ҳар бир секторнинг ўз вазифалари бор.

1. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори (номолиявий корхоналар). Бу секторга фирмалар, корхоналар, корпорациялар, концернлар,

концорциумлар ва бошқалар киради. Асосий вазифалари товар ишлаб чиқариш ва молиявий бўлмаган хизмат кўрсатишдан иборатдир.

2. Молиявий ташкилотлар сектори. Бу секторга Марказий банк, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва пенсия фонди киради. Асосий вазифалари мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш, суғурталаш ва нафақаларни белгилашдан иборат.

3. Давлат ташкилотлари сектори. Бу секторга қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва назорат қилувчи органлар, миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлашда қатнашувчи бошқа ташкилотлар (Молия вазирлиги, солиқ, божхона қўмитаси ва ҳоказолар киради. Уларнинг асосий вазифалари миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлаш, макроиқтисодий муносибликни таъминлаш, солиқ, бож, турли бадал ва тўловларни тўланишини назорат қилишдир. (20)

4. Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар сектори. Бу секторга нотижорат ташкилотлари, яъни касалхоналар, дам олиш уйлари, ўқув юртлари, осойишталикни муҳофаза қилувчи ташкилотлар киради. Асосий вазифалари аҳолининг талабаини қондириш, бепул даволаш, бепул таълим бериш ва хайрия ишларини амалга оширишдан иборатдир.

5. Уй хўжалиги сектори. Бу секторга ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўлган якка ва гуруҳ шахслар, оилалар, ибодатхоналарда яшовчилар, узоқ муддат рухий касалхоналарда даволанаётганлар, камокхонадагилар, қариялар ва болалар уйидагилар, армиядагилар киради. Уларнинг асосий вазифаси бозор эҳтиёжи ва ва хусусан шахсий эҳтиёжни қондириш учун товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан иборатдир.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари БМТнинг 1993 йилда қабул қилинган МСТида бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ягона иқтисодиётнинг икки соҳага ажратиш тавсия қилинади, яъни:

а) товар ишлаб чиқариш соҳаси – бунда буюм, газ, сув ва энегррия шаклида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқариш хизматлари

кўрсатилади. Бу соҳага саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва қурилиш тармоқлари киради;

б) хизмат кўрсатиш соҳаси, бунга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган тармоқлар киритилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси статистика хизмати ЯИМ, бандлик, меҳнат ҳақи ва бошқа кўрсаткичларни соҳа ва тармоқлар бўйича ҳисоблайди ва эълон қилади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт турли қисм ва бўлақлардан ташкил топган мураккаб тизимдир. Иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлақлари ўртасидаги ўзаро нисбат иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деб аталади. Иқтисодиётни алоҳида қисмларга бўлиш асосида турли белгилар ётади, шунинг учун таркибларнинг тузилиши бир неча турларга ажратиб ўрганилади. (17)

1. Ижтимоий тузилиши – бу иқтисодиётнинг турли мулкчилик шакллари ўртасидаги ўзаро нисбатдир. Ўзбекистонда мулкчилик турлари хусусий, ҳиссадорлик, жамоа, давлат ва аралаш мулкчилик тарзида шаклланган.

2. Тармоқ тузилиши. Бу иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро нисбатдир, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа ўртасида ёки қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги, моддий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ва ҳакозолар ўртасидаги нисбатдир. Тармоқ тузилиши миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини ифодаладиган муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Юксак ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ҳиссаси юқори, қайта ишловчи тармоқларнинг ҳиссаси эса-қазиб олувчи тармоқлардан устун бўлган иқтисодиёт тузилишига хосдир.

3. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни асосий нисбатидир, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўртасидаги, истеъмол ва

жамғариш ўртасидаги ўзаро нисбатдир. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши иқтисодий ўсишнинг имкониятларини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

4. Худудий тузилиш. Иқтисодиётнинг худудий тузилиши ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг худудий жиҳатларини акс эттиради ва алоҳида худудларнинг умуммиллий кўрсаткичлардаги ҳиссасини аниқлайди. У бутун мамлакат бўйича турмуш шароитини барқарорлиштириш мақсадида аниқланади ва тадқиқ қилинади.

Ҳозирги кундаги долзарб масала миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишдан иборатдир.

2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди.

2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. (3)

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Натижада ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2013 йилда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келади бу эса иқтисодиёт диверсификация қилинаётганини англатади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди. 2013 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди. (4)

2013 йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу хорижий инвестициялар ва четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала, бу — хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш давр талабидир.

1.2. Иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларининг моҳияти ва тамойиллари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий — иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар шунингдек, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни каттадир. Шу нуқтаи назардан қараб, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. (6)

Модернизация — ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар

(иш ва хизматлар) рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгилаш натижалари юқори технологик, рақобатдош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади.

Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисадир.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, аҳолининг иш бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади. **(1.1-расм)**

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан “чидамлилиқ”, мустақил ривожланиш салоҳияти айнан иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Айни вақтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни барча соҳа ва жабҳаларда жадал ислохот ва модернизация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлаш алоҳида муҳим ўрин тутди.




1.1-расм. Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация этишнинг пировард натижаси

Сўнгги йилларда мамлакатимизда модернизация қилиш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Айниқса иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. **(1.1-расм)**

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш борасидаги 2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисидаги дастур муҳим аҳамият касб этади. Дастурнинг асосий мақсади – мамлакат саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекс ва корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик

янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат.



1.2-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишни амалга оширишнинг асосий йўналиш ва воситалари

Дастурнинг асосий вазифа ва устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- таркибий тузилма ҳосил қиладиган тармоқлар ва умуман, саноатни ривожлантиришда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш;
- мамлакат саноат маҳсулотининг рақобатдошлигини ошириш, саноат ва бутун иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устивор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юксак технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларидаги замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Юқорида зикр этилган йўналишларни умумлаштирилган кўринишда тасвирлаш мумкин (1.3-расм).



1.3-расм. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий моҳияти ва тамойиллари

Мамлакатда етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий омиллари қуйидагилар:

- мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;
- юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқлар улушини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни янги маҳсулотлар билан таъминлаш;
- маҳаллий хом ашёни чуқурроқ қайта ишлаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Иқтисодиётни етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича ислохотлар бевосита давлатимиз томонидан, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналарнинг ўз маблағлари ва АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Кореан Эйр”, “LG”, “СНОС”, Хитойнинг “СНПС”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби жаҳондаги энг йирик ва машҳур компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирий халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатлари инвестиция банклари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

II БОБ. II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ТУЗИЛМАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. Саноатнинг ўсиш суръатлари ва тармоқ таркибидаги ўзгаришлар

Мамлакат иқтисодиёти юқори суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланиб, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартиришга ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда. (2)

2013 йилда ҳам, аввалги йиллардагидек, республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Буни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тавсифлайдиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни йиллар бўйича таққослаш орқали кўрилади.

2.1-жадвал. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда

Кўрсаткич	2000	2005	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Ялпи ички маҳсулот	103,8	107,7	107,3	109,5	109,0	108,1	108,5	108,3	108,0

Жадвалдан кўриниб турибдики агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2005 йилларда 3,8 – 7,7 фоиз, 2007-2008 йилларда 7,7 – 9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ушбу кўрсаткичларга ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш юз берди. Бироқ мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ва изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминламоқда.

Мамлакат ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин бўлмоқда.

2.2 - жадвал. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Саноат ишлаб чиқариш	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2	13,5

2.2 – жадвалдан кўриниб турибдики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 8,8 фоизга ошди ва 56,4 трлн. сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилга нисбатан 6,8 фоизни ташкил этиб, 24,3 трлн. сўмни ташкил этди. 2013 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизни ташкил этиб, унинг ЯИМдаги улуши 53 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабани рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2013 йилда чакана товар айланмасининг 2012 йилга нисбатан 13,5 фоизни ташкил этди.

Республикада бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада эркинлаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида

амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда.

2013 йилнинг ўзида республикада 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатда ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиб, халқ фаровонлигини юксалтиришда тобора катта рол ўйнайди.

Миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилини ички талаб ташкил этади. Жаҳон молиявий инқирози шароитида республикада амалга оширилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида аҳолининг ялпи ички талабини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмолнинг ялпи ички маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш таркибидаги улуши ортиб бормоқда. Жумладан, 2008-2012 йилларда истеъмол харажатларининг ЯИМдан фойдаланиш таркибидаги улуши 64,6 фоиздан 68 фоизга ёки 3,4 пунктга ортди. **(2.3 –жадвал)**

Мустақиллик йилларида олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат натижасида мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилди. Бу эса глобал жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2013 йилда иқтисодиётни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг таъминланишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашга асос бўлди. (3)

**2.3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг такрор ишлаб
чиқариш таркиби, фоизда**

Йўналишлар	Йиллар						
	1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012
Жами ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,6	7,8	3,1

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодийтимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳукукий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. (4)

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсди.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2

баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

2.4-жадвал. Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши, фоиз (1990=100 фоиз)

№	Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2012 йил
1.	Саноат - жами	100	123,6	3,2 марта
2.	Ёқилғи саноати	100	127,3	2,2 марта
3.	Қора металлургия	100	58,8	1,6 марта
4.	Рангли металлургия	100	107,4	116,1
5.	Кимё ва нефть – кимё саноати	100	97,5	3,1 марта
6.	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	100	142,2	13 марта
7.	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	100	2,5 марта	13,4 марта
8.	Қурилиш материаллари саноати	100	58,4	1,5 марта
9.	Енгил саноат	100	159,2	4 марта
10.	Озиқ-овқат саноати	100	150	6,4 марта
11.	Бошқа соҳалар	100	162,6	6,2 марта

2.4-жадвалдан кўринадик, мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимиздаги саноат тармоқларида ишлаб чиқариш суръатлари 3,2 марта ўсган. Ушбу ўсишни таъминлашда, айниқса, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг 13 марта, озиқ – овқат саноатининг 6,4 марта, енгил саноатнинг 4 марта ўсиши сезиларли таъсир кўрсатди. Қурилиш материаллари саноатининг ўсиши дастлабки 10 йил ичида, яъни 2000 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитлар натижасида 2012 йилдаги ўсиши 1,5 мартани ташкил этди.

Мустақиллик йилларида юртимизда автомобилсозлик, нефть-газкимё саноати, нефтьгаз машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати. Темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати ва енгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди. (22)

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги

технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “MAN” автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, “LG” русумидаги жаҳонга машҳур холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсизлик саноати алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу тармоқ Асака шаҳрида АКШнинг “Женерал Моторс” компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Тошкент шаҳрида Германиянинг дунёга машҳур “Даймлар Бенц” ва Самарқанд шаҳрида Япониянинг “Исузу” компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Самарқанд шаҳрида Германиянинг “MAN” компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларни ўз ичига олади. Ана шундай ўзгаришлар натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990-2011 йилларда 11,6 баробар ўсди.

Фақат охириги 10 йилнинг ўзида енгил автомобилларни ишлаб чиқариш 7,1 баробар, автобуслар – 2,6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш – 12,9 баробар ошди.

“Женерал Моторс Павертэйн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. (3)

Нефть қазиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш саноатининг яратилиши мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини таъминлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1990 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсди. Табиий газ

ишлаб чиқариш суръати 1990-2011 йиллар давомида 1,6 баробар, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми эса 15,2 баробар кўпайди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “MAN” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Энергетика мустақиллигини таъминлаш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш дастури доирасида, мустақиллик йилларида энг замонавий технологияларга эга бўлган чет-эт компаниялари билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (“Текнип”, Франция) ва Шўртонгазкимё мажмуаси (“АББ”) барпо этилди. Газ-кимё тармоғининг ташкил этилиши табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва турдош тармоқларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш имконини яратди. (22)

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди. (22)

Қўнғирот сода заводида 2006 йилдан бошлаб кальцийли сода, Самарқанд кимё заводида нитрокальцийфосфат ўғити ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 2010 йилда минтақамизда ягона бўлган Деғқонобод калийли ўғитлар заводи ишга туширилди.

1990 – 2012 йиллар давомида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза – қоғоз саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 13,4 баробар, озиқ – овқат саноатида – 5,7 баробар, енгил саноатда – 3,8 баробар ўсди.

1990 йилга нисбатан ип – калава ишлаб чиқариш 2,2 баробар кўпайди. Гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда 21 миллион квадрат метрдан зиёд бўлди, бу эса 2000 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 13,6 баробар кўпдир.

**2.5-жадвал. Қайта ишлаш саноатида саноат маҳсулотлари айрим
турларининг ишлаб чиқарилиши**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1990 йил	2000 йил	2012 йил	2012 й 1990 йилга нисбатан
1.	Кальцийланган сода	минг тн.	0	0	90,4	
2.	Полиэтилен	минг тн.	0	0	129,2	
3.	Мис	минг тн.	77,0	79,5	86,3	1,1 марта
4.	Кучли ток кабеллари, радиочастотали ва алоқа тизими учун кабеллар	км.	18301	5545	115398	6,3 марта
5.	Автомобиллар	дона	0	31285	220313	
6.	Телевизорлар	дона	0	29315	96700	
7.	Компьютерлар	дона	0	0	124000	
8.	Лист ҳолатидаги ойна	минг кв.м	2480	3120	12599	5,1 марта
9.	Шакар	тн.	0	10169	286055	
10.	Ош тузи	тн	0	28367	58613	
11.	Папирос ва сигареталар	млн дона	4370	7766	13949	3,2 марта
12.	Алкоголсиз ичимликлар	минг далл	17499	17508	42968	2,5 марта
13.	Пахтадан ип-калава	минг тн.	104,4	135,1	225,6	2,2 марта
14.	Гидамлар ва гилам маҳсулотлари	минг кв.м	1982	1594	21650	10,9 марта
15.	Дори-дармон воситалари	млн сўм	200,5	5219,2	160147	3,5 марта
16.	Мебель	млн сўм	462,2	12578,6	160279	1,6 марта

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг ўзак тармоқлари, хусусан, нефть, газ, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, кимё ва нефть – кимё саноатини жадал ривожлантириш учун давлат барча шарт-шароитларни яратиб берди. Натижада чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди ва ўзбекистон саноатининг тармоқ таркиби анча диверсификация қилинди ва мутаносиблашди.

2.2. Аграр тармоқни ривожлантириш омиллари

Қишлоқ хўжалиги – мамлакатимиз иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ–овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр тармоқда

тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хом ашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳисобланади. (7)

Ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни жараён иқтисодиётда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакат бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида намоён бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Республикада экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

2013 йилда деҳқон ва фермерларнинг меҳнати билан юқори натижаларга эришилди – 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди, 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйилганлиги ва унинг ривож учун кенг имкониятлар очиб берилганлиги ҳал қилувчи рол ўйнади. (7)

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати ижтимоий-сиёсий кучга айланди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларнинг чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилona фойдаланишдир.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш асосий йўлидир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Ўтган йили 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор. Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастур ижроси устидан тизимли назорат ўрнатмоқда. (3)

1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтга келиб мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз имкониятларимиз билан таъминланмоқда.

Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда меъёрга нисбатан етиштирилган маҳсулот ҳажми мева бўйича 42,6 фоизни, узум бўйича 93,8 фоизни, картошка бўйича 29,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич мева бўйича 119,7 фоизни, узум бўйича 156,3 фоизни, сабзавот бўйича 229,2 фоизни, картошка бўйича 135,4 фоизни ва полиз бўйича 245,1 фоизни ташкил этди. 2012 йилда 1991 йилга нисбатан мева ишлаб чиқариш ҳажми 281,2 фоизга, узум 166,7 фоизга, сабзавот 186,9 фоизга ва картошка 453,6 фоизга ошгани бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини тасдиқлайди. **(2.6 – жадвал)**

**2.6 - жадвал. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси,
килограмм ҳисоби**

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, кг	Ҳақиқатда, кг		1991 йилда меъёрга нисбатан, фоизда	2012 йилда	
		1991	2012		меъёрга нисбатан, фоизда	меъёрга нисбатан, фоизда
Мева	56,4	24,0	67,5	42,6	119,7	281,2
Узум	25,6	24,0	40,0	93,8	156,3	166,7
Сабзавот	113,0	138,6	259,0	122,6	229,2	186,9
Картошка	50,6	15,1	68,5	29,8	135,4	453,6
Полиз	19,3	39,0	47,3	202,1	245,1	121,3

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3932-сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дастурда мелиорация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик кудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника сув ўтказадиган иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришда давлат бюджетидан маблағлар ажратиш давом этмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 201,5 миллиард сўмга етди.

Ўтган 2008-2012 йиллар давомида жами ажратилган маблағлар қиймати 751,4 миллиард сўмни ташкил этди (**2.7-жадвал**).

**2.7-жадвал. Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларга
ажратилган маблағлар, миллиард сўмда**

Тадбирлар номи	Жами 2008-2012 йилларда	шу жумладан:				
		2008	2009	2010	2011	2012
Мелиоратив объектлар- ни реконструкция қи- лиш ва қуриш ишларига	310,3	22,4	57,3	63,8	81,6	85,2
Мелиоратив объектлар- ни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	313,5	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	127,6	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7
Жами	751,4	90,3	130,8	150,2	178,6	201,5

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узок даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Миллий иқтисодиётда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. (13)

Аграр соҳадаги ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигининг ошиши учун замин бўлмоқда.

Қишлоқда хусусий фермер хўжаликларининг талабалари асосида барча турдаги зарур хизматларни кўрстайиш имкониятига эга бўлган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси жадал ривожланди. Шу давр мобайнида қишлоқларда 1424 та мини банк, 1714 та муқобил МТП, 2324 та ёқилғи мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни сотиш шаҳобчалари, 1711 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 300 та консалтинг маркази ва бошқа инфратузилмалар ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти каттадир.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 дона

трактор, 3690 та траткор тиркаси, 3600 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинди. **(2.8-жадвал)**

2.8-жадвал. 2006-2011 йилларда мамлакатимиз бўйича янги сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникалари

Техникалар номи	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2006-2011 йиллар давомида жами
Тракторлар, жами	2211	1652	2231	3007	2671	2124	13896
Ҳайдов тракторлари	634	164	454	191	378	546	2367
Чопиқ тракторлари	1182	1293	1174	1697	1359	1098	7803
Трактор тиркамалари	368	250	348	1421	691	882	3960
Культиваторлар	503	279	440	1433	633	315	3603
Чигит сеялкалари	352	178	237	215	320	552	1854
Плуглар	130	90	117	244	67	153	801
Дон ўриш комбайнлари	116	93	332	123	167	245	1076

Қуйидагилар қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларнинг сифат натижаси тариқасида намоён бўлди:

1. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди – асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ўсди;
2. Хусусий фермер хўжаликларида рентабеллик ортди ва озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор тарзда ишлаб чиқариш масаласида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган даражада ижобий ўзгаришлар юз берди.

Қишлоқ хўжалигидаги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланишини бундан буён чеклаш мақсадида ёпиқ ва очик зовурларни тозалаш, дренаж тизимини қайта таъмирлаш;
- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни фаол жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экиш технологиясига изчил риоя этилишини таъминлаш, хусусан, пахта ва бедани алмашлаб экиш тизимини қайтадан жорий этиш орқали чорва мажмуаларини вужудга келтириш;

- ўзаро шартнома муносабатларининг шартларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш тизимини вужудга келтириш;

- табиий - иқлим шароитига мос экин навларини яратиш ва уларни худудийлаштириш;

- қишлоқ хўжалигига хорижий ва маҳаллий деҳқончилик ва чорвачиликнинг энг илғор тажриба ва усулларини олиб киришни рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг истикболли ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида вертикал ва горизонтал кооперацион алоқаларни кучайтириш ;

- қишлоқ хўжалиги мажмуини ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма объектларини вужудга келтириш;

- қишлоқ хўжалиги субъектларига агротехник ва агросервис кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда соҳага юқори фан сиғимли технологиялар олиб кирилишини рағбатлантириш ва соҳани инновацион асосда ривожлантириш;

- соҳани малакали ходимлар билан таъминлаш мақсадида вилоятда мавжуд ОЎЮ ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ўрганиб чиқиш ва шу асосда уларнинг негизида янги таълим йўналишлари очиш;

- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Республика қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: мулкый ва таркибий ислохотлар; ердан фойдаланиш борасидаги ислохотлар; сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар; молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислохотлар; нарх – наво тизимидаги ислохотлар. (4)

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантириш истикболлари Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” баён этилган. Ушбу концепцияда 2011 – 2015 йиллар мобайнида белгилаб берилган устивор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

2. қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини ошириш;

3. мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

5. наслчилик ишларини такомиллаштириш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озиқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

6. зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

7. паррандачилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалигини ташкил этиш;

8. суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилаб суғориш тизимини йўлга қўйиш энг устивор йўналишлар ҳисобланади.

2.3. **Замонавий хизмат турларининг ривожланганлик ҳолати**

Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган тармоғига айланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ – 640 – сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг қабул қилиниши хизматларнинг жадал ўсиб боришида муҳим босқич бўлди. (22)

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта рол ўйнамоқда. Ўтган йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Миллий иқтисодиётда 1990 - 2013 йилларда хизмат кўрсатиш ҳажми 2,5 баробар ошди. Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан жадал ўсиши кузатилмоқда, натижада мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши ошиб бормоқда. Агар 1990 йилда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 52 фоиз, 2013 йилда эса 53 фоизни ташкил этди. Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради.

3.1- жадвал. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши (фоиз)

	1990	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013
Хизматлар	33,8	34,4	37,0	38,7	49,0	50,5	52	53

Хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий хизмат турлари улушининг ортиши билан боғлиқ равишда сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари йилига ўртача 132,7 фоизлик ўсиш суръати билан 3,1 баробар ўсди. Телекоммуникация тармоқлари, алоқа каналлари, Интернет тармоғига жамоавий уланиш шохобчалари, кабель ва эфир-кабель телевидениеси хизматлари, рақамли технологиялар билан жиҳозланган ахборот инфратузилмалари тобора кенгайиб бормоқда.

3.2 –жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2011 – 2012 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳсидаги таркибий ўзгаришлар

	Хизмат турлари	2012 йил			2011 йил		
		млрд сўм	Ўсиш (фоиз)	Таркиби (фоиз)	млрд сўм	ўсиш (фоиз)	таркиби (фоиз)
	Хизматлар, жами	41083,3	113,2	100,0	32749,8	115,1	100,0
	Шу жумладан:						
1.	Савдо хизматлари	8607,5	118,6	20,95	6134,4	120,9	18,73
2.	Транспорт хизматлари	12350,2	104,1	30,06	10547	113	32,20
3.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2630	139,9	6,40	2062,5	128,7	6,30
4.	Молия-банк хизматлари	3507,5	118,6	8,54	2753,8	119,4	8,41
5.	Туристтик экскурсия хизматлари	64,1	127,3	0,16	44,7	115,3	0,14
6.	Меҳмонхона хизматлари	112,4	106,5	0,27	97,5	107,8	0,30
7.	Коммунал хизматлар	4780,5	99,9	11,64	3852,1	99	11,76
8.	Маиший хизматлар	534,5	120,9	1,30	561,4	122,8	1,71
9.	Автомобилларни таъмирлаш хизматлари	367,8	118,9	0,90	314,2	124,6	0,96
10.	Бошқалар	8128,9	118,5	19,79	6382,2	116,6	19,49

3.2 –жадвалдан кўриниб турибдики алоқа, ахборотлаштириш, савдо, транспорт, туристик хизматларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Коммунал, меҳмонхона, маиший хизматлар, автомобиль ва турли техникаларни таъмирлаш ва бошқа хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2011 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди.

Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. 2011 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилди.

2012 йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. (22)

Бу кўрсаткич, аввало, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисобот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Мамлакатда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳолининг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг

500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфалт қилинган автомобил йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Ўзбекистонда хизмат турларидан суғурта бозори кенг ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда республикада суғурта бозорида 33 та суғурта компанияси, уларнинг 890 та ҳудудий бўлинмаси, 1250 та агент-юримдик шахс, 5659 нафар агент – жисмоний шахс ва суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари фаолият юритмоқда. Республика суғурта секторида банд бўлган ходимларнинг сони 10 минг кишидан ошди.

9 - жадвал. Суғурта бозори ривожининг асосий кўрсаткичлар

	2000 й	2005 й	2011 й	2012 й
Суғурта компаниялари сони	27	25	33	34
Умумий устав маблағи (миллиард сўм)	23,2	89,3	178,6	207,2
Суғурта мукофотлари қиймати (миллиард сўм)	8,3	42,6	146,1	171,4
Суғурта мажбуриятлари ҳажми (миллиард сўм)	1720,6	18900	54786,9	69139,7
Суғурта тўловлари ҳажми (миллиард сўм)	2,7	4,7	20,7	27,0
Суғурта компаниялари инвес- тициялари ҳажми (миллиард сўм)	40,9	163,9	270,4	298,8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги 2001 йил 28 августда имзолаган ПФ – 3122 – сонли Фармони асосида юртимизда лизинг операциялари фаол ривож топмоқда. 2002 – 2010 йиллар мобайнида лизинг хизмати кўрсатувчи компаниялар сони 15 тадан 86 тага кўпайди, лизинг операцияларининг йиллик ҳажми эса 13 баробардан зиёд ошди. Шу даврда лизинг операцияларининг умумий ҳажми 8 баробар ортди ва 1,6 триллион сўмни ташкил этди.

Иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттириш инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда ягона транспорт тизими ва телекоммуникация тармоғини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Инфратузилмани кенгайтириш янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлик даражасини ошириш каби ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2011 – 2015 йилларда транспорт тизимини ривожлантириш дастурида Ўзбек миллий автомагистрали, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга молик йўللاردан иборат автомобиль йўлларнинг ягона тармоғини шакллантириш борасида ишлар давом эттирилмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётимизнинг барча ҳудудларини транспорт коммуникацияси билан ишончли тарзда ўзаро боғлаш, транспорт харажатларини қисқартириш, юк ва йўловчи ташиш самарадорлигини ошириш имконини яратади. Асосий автомобиль йўлларни куриш ва реконструкция қилишда тўрт полосали ҳаракатни йўлга қўйиш, йўллар юзасига замонавий асфальтбетон ва цементбетон қопламалар ётқизиш, йўл ўтказгичлар куриш бўйича энг илғор халқаро стандартлар жорий қилинмоқда. (3)

Тошкент – Андижон автомобил йўлининг «Қамчиқ» довони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл курилиши бўйича ишлар жадал равишда олиб борилмоқда. Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа

минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди.

2011 йилда республика темирйўлчилари томонидан улкан ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоғи ва Янгиер – Фарход йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темирйўл тармоғи қурилишини ниҳоясига етказилмоқда, Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган темирйўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имконини беради. Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган “Талго-250” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан

тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

2011 йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, “Навоий халқаро интермодаль логистика маркази” орқали 50 минг тонна юк ташилди. “Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди. (4)

2014 йилда таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашга қаратиш зарур.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқда.

Энг муҳими катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

2012 — 2016 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида хизматлар соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор.

2014 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўللарни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. (6)

Шу мақсадда 2012-2013 йилларда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтирилди.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўллارни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш амалга оширилди.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

“Навоий халқаро интермодал логистика маркази”ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини, халқаро юклар транзит ҳажмини кўпайтириш, парвозлар географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Ангрен логистика маркази”ни модернизация қилиш, ривожлантириш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш зарур.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларига 2012 йилда 176 миллион доллардан ортиқ ҳажмдаги инвестицияларни йўналтирилди. (3)

Шундай қилиб, 2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланишини жадаллаштириш тўғрисидаги дастурга мувофиқ кўзда тутилган лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиши лозим. Бунда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш даркор.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ВА УНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЭТИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1 Иқтисодиётни тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёни таҳлили

Бугунги кунда иқтисодиётнинг локомативига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Хусусан, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 2012 йилдан бошлаб ўсмоқда. Яқин ва узоқ истиқболда инновация сиғими юқори ва юксак технологик саноат маҳсулотларини (енгил ва юк автомобиллари, музлаткичлар, телевизорлар, энергия тежайдиган лампалар ва бошқалар) ишлаб чиқариш кескин ўсиб боради. (3.1-жадвал)

3.1-жадвал. Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014 прогноз	2015 прогноз
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежайдиган лампалар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Кальцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн. кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн. дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн. жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Айни вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижобий тенденциясини кимё саноатида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, чуқур модернизация, диверсификация жараёнлари натижасида келажакда каллилий ўғитлар ишлаб чиқаришнинг 4 маротаба ошиши имконияти яратилмоқда.

2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. 2013 йилнинг ўзида 115 та объект ва ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди ва унда 8754 ишчи ўрни яратилди. (3.2-жадвал).

**3.2-жадвал. 2013 йилда фойдаланишга топширилган янги объектлар
ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш
қувватлари**

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрни, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм-поябзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт саноати	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8754

Ушбу лойиҳалар, асосан, нефть-газ, кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларига тегишли бўлиб, унда янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш асосида рақобатдош, импорт ўрнини

босадиган маҳаллий ҳамда сифатли раваботдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва шу асосда истеъмол товарлари тайёрлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтирига йўналтирилган.

2013 йилда амалга оширилган лойиҳаларни тармоқлар бўйича таҳлили.

Нефть-газ саноати тармоқларида 2013 йилда янги объект куриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 244 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, “Резинотехника” ОАЖнинг бўш қувватлари негизида лойиҳа қуввати 30 минг тоннага тенг бўлган мой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Навои” эркин индустриал зонаси ҳудудида лойиҳа қуввати 120 минг комплектга тенг бўлган замонавий иситиш ва сув қайнатадиган қозонлар ишлаб чиқариш ва “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида Д-325 мм юқори босим кучига эга бўлган янги газ қувурини куриш ишлари амалга оширилди. (3)

Энергетика саноатида умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1-5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш; «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш, «Бекобод цемент» очик акциядорлик жамиятида янги линия куриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, 2013 йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилган. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобил телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

2013 йилда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилди. (4)

Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилди. Масалан, умумий фойдаланишдаги 530 километрлик автомобил йўли қурилиб, реконструкция қилинди. Тўрт қаторли Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов автомобил йўлининг 141 километрлик тармоғини цемент-бетон билан қоплаш, тўрт қаторли Тошкент-Ўш автомобил йўлининг Қамчиқ довони орқали ўтадиган 18 километрлик қисмида асфалт-бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди, ана шу йўлнинг Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган 15 километрлик тармоғи, шунингдек, Тошкент айланма йўлининг янги йўналиши барпо этилди ҳамда Бухоро шаҳридаги ҳалқа йўлда йўл ўтказгич қурилиши якунига етказилди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили Республика йўл жамғармаси ва халқаро молия институтларининг 565 миллион доллар қийматидаги маблағлари жалб этилди.

2013 йилда темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилди. Йил давомида ушбу мақсадлар учун 477 миллион доллар қийматидаги капитал қўйилмалар йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, 240 километрлик темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, ўз кучимиз билан 550 та юк ва 30 та йўловчи ташийдиган вагон ишлаб чиқариш имконини берди.

Ўтган йили мамлакатимиз жанубий вилоятларининг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда катта аҳамият касб этадиган Мароқанд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш ишлари фаол олиб борилди.

2013 йилда хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида мамлакатимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўладиган яна бир йирик лойиҳани амалга оширишни бошладик. Бу ўринда

сўз Ангрен-Поп йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришни кўзда тутадиган лойиҳа ҳақида бормоқда.

Бу тоннел Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, мамлакатимиз ҳудудида ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш бўйича ишларни якунига етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, «Шаҳарлараро коммутация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш» (NGN), «ФТТх технологияси бўйича кенг камровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш», «Ўзбекистон Республикаси минтақаларида EVDO технологияларини жорий этиш орқали CDMA-450 мобил тармоғини ривожлантириш» каби ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътибор марказида бўлди.

Ушбу лойиҳаларнинг самарали ниҳоясига етказилиши дунёнинг замонавий алоқа ва ахборот воситалари юқори даражада ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиш, ишбилармонлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қўшимча имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 45 фоиздан зиёдини рақамли телевидение билан қамраб олишни кўзда тутадиган 5 та рақамли телевизион узатгични Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Маълумот узатиш, статистика, молия ва солиқ ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий этилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик

субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқда.

2011 йилда биржада савдо иштирокчиларининг юқори даражадаги рақобатини ва тенг иштирокини таъминлайдиган, электрон савдо шаклида амалга ошириладиган замонавий давлат харидлари тизими жорий этилгани ҳар томонлама эътиборга ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар учун тўловларни, банкдаги ҳисобрақамлари ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, Интернет тармоғи ва мобил телефон орқали, аҳолидан қўшимча воситачилик ҳақини олмасдан амалга ошириш тизими жорий этилди.

Айни вақтда буларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича келгуси йилларда амалга оширишимиз зарур бўлган кенг кўламли чора-тадбирлар тизимидаги дастлабки қадамлар бўлиб, бу ишларни изчил давом эттиришимиз лозим.

3.2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш тузилмавий ўзгаришларни шарти сифатида

Макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишига ва иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажмини ошишига имкон беради. (19)

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 22067 миллиард сўми ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 миллиард сўми бевосита ишлаб чиқариш мақсадлари учун йўналтирилди. (3.1-жадвал)

**3.1-жадвал. Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган
инвестициялар миқдори, миллиард сўм**

Иссиқлик энергияси	3768,4
Металлургия	649,8
Кимё ва нефть – кимё	499,9
Автомобилсозлик	953,8
Енгил саноат	618,8
Озиқ – овқат саноати	398
Қурилиш материаллари	415,8
Қишлоқ хўжалиги	905,8
Транспорт ва алоқа	4026,9
Бошқалар	2453,6

Инвестицияларнинг 7376,2 миллиард сўми эса ишлаб чиқаришга дахлдор бўлган соҳаларга жойлаштирилди (3.2-жадвал).

**3.2-жадвал. Ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларга
йўналтирилган инвестициялар миқдори, миллиард сўм**

Уй – жой қурилиши	4402,5
Таълим	963,9
Маданият ва спорт	145,8
Соғлиқни сақлаш	815
Коммунал хўжалик	439,2
Бошқалар	609,8

Миллий иқтисодиётимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишини тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди.

3.3 - жадвал. 2005 – 2013 йилларда инвестициялар таркибини ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	Йиллар								
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Жадвалдан кўришиб турибдики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга пасайиши режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча 19,2 фоиздан 23,2 фоизга кўтарилиши режалаштирилган эди.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар — корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этилди.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми — 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга

йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Республикада Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил этилгани чет эл инвестицияларини жалб этишда кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборатдир. (3)

Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди. Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

2014 йилда молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади.

Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади.

Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Шулар қаторида «Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватини 200 минг тоннадан 600 минг тоннага ошириш», «Хоразм вилоятида «Дамас» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ семент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш», «Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи тармоғини қуришни ниҳоясига етказиш», «Шўртан ва Алан конларини ободонлаштириш ва компрессор станциясини барпо этиш» бўйича ва бошқа муҳим лойиҳаларни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш, Шўртан газ-кимё комплексида ишлаб чиқарилаётган тозаланган метан негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қурилиш ишлари давом эттирилади.

Электр энергетикаси соҳасида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаватт бўлган 2 та буғ-газ қурилмасини барпо этиш йўли билан кенгайтириш ишлари олиб борилади. Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегаватт бўлган буғ-газ қурилмаси ишга туширилади. Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаватт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини барпо этиш орқали кенгайтириш ишлари бажарилади.

Кимё саноатида Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати қурилади ва шунингдек, “Навоийазот” очик акциядорлик жамиятида метанол, аммиак

ва карбамид ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа лойиҳалар амалга оширилади.

Республикада фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “MAN” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди. (36)

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитни шаклланишида микрокредитларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Унга ҳукумат томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан катта эътибор берилмоқда. Микрокредитлар бир қатор кўрсаткичлар бўйича қулайдир: кредит олиш қоидаси бирмунча соддалаштирилган, гаров таъминотининг барча шакллари ҳал этилган, кредит пулларининг бир қисми нақд шаклда олинади, айланма ресурслар хариди асосида кредит бериш масалалари нисбатан осон ҳал этилади ва бошқалар.

Қонунчиликда микрокредитларни олишнинг иккита асосий тартиби белгилаб қўйилган: юридик шахс бўлган кичик бизнес субъектлари ва юридик шахс бўлмай ўз фаолиятини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари. (36)

Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан ажратиладиган микрокредит ва микро лизинг шартлари қуйидагилар:

- бошланғич сармояни шакллантириш учун – энг кам иш ҳакининг 50 баробаридан 200 баробаригача йиллик 3 фоиз 18 ойгача;
- айланма маблағларни тўлдириш – энг кам иш ҳакининг 500 баробаригача йиллик 6 фоиз 24 ой муддатга;
- имтиёзли микролизинг – энг кам иш ҳакининг 2000 баробаригача йиллик 5 фоиз 36 ой муддатга.

Республикадаги бир неча банклар хорижий кредит линиялари билан ишлайдилар, жумладан: ТИФ Миллий банки, “Асака Банк”, “Микрокредитбанк” ва бошқалар. Бундай кредитларни бериш шартлари умуман олганда турличадир, лекин уларнинг асосий кўрсаткичлари айнан

қайси маҳаллий банк кредитларни амалга оширишга ваколатли бўлишидан қатъий назар жуда ўхшашдир. (23)

Инвестиция бозорининг муҳим таркибий қисми грантлар ҳада этувчи ёки донор томонидан аниқ ишларни бажариш учун нотижорат ташкилоти ёки хусусий шахсга беминнат бериладиган маблағлар ҳисобланади. Қарзга нисбатан грантлар қайтарилмайди. Грант грантни бажарувчи томонидан инновация фаолияти, экологик, иқтисодий йўналиш, ўқув-таълим, методологик, маслаҳат характери билан боғлиқ бўлган бирор-бир нотижорат мақсадларга эришиш учун берилади. Яъни унинг асосий ғояси беминнат асосда берилган пул маблағлари ҳисобига эришилган грант лойиҳаси бўйича иш натижалари шунингдек донорлик иштирок, кимгадир ёрдам бериш, нимагадир ёрдам беришга йўналтиришдан иборатдир.

Донорлар сифатида турли мамлакатларнинг давлат муассасалари, халқаро ташкилотлар, хусусий хайрия фондлари, тижорат тузилмалари, диний, илмий ва бошқа нотижорат жамоат ташкилотлари, шунингдек хусусий шахслар иштирок этишлари мумкин

Яна бир жиҳат жуда муҳим ҳисобланади: донорлик ташкилотлари кўп ҳолларда мултипликация самарасига эга бўлган лойиҳа мавзуларини танлайдилар, яъни кенг тарқатишга, кўпайтиришга мўлжалланган, лойиҳа доирасида тузилмаларнинг яратилиши, тўпланган иш тажрибаси, ишлаб чиқилган ва синалган услублар ва бошқалар. Бундай турдаги намунали лойиҳаларни яратар экан, донор бирор бир янги ёки мавжуд устувор фаолият йўналишларини рағбатлантиради ёки унинг ташаббускори бўлади. Ушбу кўрсатмадан келиб чиқиб, лойиҳа мавзусига эътибор билан ёндошиш лозим

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012 — 2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2014 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси, Деҳқонобод калийли ўғитлар ва Қўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараёни такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозорлари талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир. (40)

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтисодиётда фаол таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМнинг таркибида саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ортди. Саноат маҳсулоти ва экспортнинг умумий ҳажмида қўшилган қийматнинг ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар улуши ошди. Саноат диверсификация қилинди. Республикамиз учун янги бўлган тармоқлар барпо этилди ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиш билан бирга, экспорт ҳажми ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожлантирилди. Хом ашё, материаллар ва бутловчи

қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ташқи бозорларга қарамлиги даражаси пасайтирилди, валюта ресурслари тежалди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарни пасайтирилди. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар диверсификация қилинди, улар сотилаётган давлатлар сони кенгайтирилди. Бу экспорт ҳажмини кўпайтириш, тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуrolлантиришга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинди, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби киритилди. Ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали бизнес юритиш шароитларини яхшиланди. Рақобатни ҳимоя қилиш, монополлашувга қарши кураш тизими барпо этилди. Макроиктисодий барқарорлик таъминланди, инфляция, валюта курсининг девальвация суръатларининг паст бўлишига эришилди.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодиётда фаол таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

2. 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормокда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келди.

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсди.

3. Саноат диверсификация қилинди. Республикамиз учун янги бўлган тармоқлар барпо этилди ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиш билан бирга, экспорт ҳажми ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

4. Хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ташқи бозорларга қарамлиги даражаси пасайтирилди, валюта ресурслари тежалди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи пасайтирилди. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган

йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

5. Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди. Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг исботидир.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

7. 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган

капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этди. Республика иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

8. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинди, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби киритилди.

9. Ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали бизнес юритиш шароитларини яхшиланди.

10. Рақобатни ҳимоя қилиш, монополлашувга қарши кураш тизими барпо этилди.

11. Макроиктисодий барқарорлик таъминланди, инфляция, валюта курсининг девальвация суръатларининг паст бўлишига эришилди.

Хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш чоралари билан бирга, ички бозорни, хусусан, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини тенг бўлмаган рақобатдан ҳимоялаш чоралари кўрилди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги чора тадбирларни (таклифлар) амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

1. Юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш.

2. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш.

3. Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш.

4. Транспорт ва муҳандислик – коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш.

5. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш. 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда.

6. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш. 2014 йилда салкам 1 миллионта иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда

7. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак.

8. Саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш

10. “Соғлом бола йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш зарур. 2014 йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва Қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2011 йил 7 апрель, № 68 (5235).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

3. Каримов И.А. 2014 йил юқори суръатлар билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. ЎР Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимиз 2013 йилда иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 18 январь 2014 йил 8-9 (31,756).
4. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19 декабр, №13 (5687)
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009
6. Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.

7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010
8. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
10. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари»-Т.; Ўзбекистон 1997 й.
11. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли».- Т.: Ўзбекистон. 1993 й.
12. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари».-Т.; Ўзбекистон, 1999.
13. Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз».-Т.; Ўзбекистон. 2001 й.
14. Каримов И.А. «Биз келажакимизни ўз, қўлимиз билан қурамиз».-Т.; Ўзбекистон, 1999 й.

III. Китоб ва монографиялар:

15. Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан. Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2011
16. Махмудов М., Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010.
16. Парпиев Ў., Саломов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш.-Т.; Шарқ. 2008 й.
17. Расулов м. Бозор иқтисодиёти асослари.-Т.: Шарқ. 2000.
18. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ва сервис хизматини ташкил этишнинг асослари.-Т.; Аграр Университет, 2008 й.
19. Ишбутаева Х., Эшнӣзова Х. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш истиқболлари.-Т.; Шарқ. 2009 й.
20. Ишмухамедов А., Аскарова М. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.

21. Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.; Шарқ. 2010 й.

IV. Статистик тўпламлар:

22. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

V. Журналлардаги мақолалар:

23. Каримов Н. Инвестицион фаолиятни қимматли қўғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2011., 5 – сон.

24. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2011., 4 – сон.

VI. Хорижий адабиётлар:

25. Басовский Л.Е. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка». М., 2009.

26. Матрусов Н.Д. Региональное прогнозирование регионального развития. - М.: 1995

27. Матрусов Н.Д. Региональное прогнозирование регионального развития. - М.: 1995.

28. Морозова Т.Г. Региональная экономика. - М.: «Наука» 2007.

29. Мотышина М.С. Методы социально-экономического прогнозирования. - М.: 2007.

30. Мосина Д., Круга Д., Основы экономического и социального прогнозирования.- М.: 2007.

31. Морозова Т.Г., А.В. Пикулькина. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. - М.: «Наука». 2010.

32. Осипов М.Ю. Основы предпринимательского дела. Москва, 1992 г

33. Хаймон Д.Н. Современная микроэкономика: анализ и применение. Москва, Финансы и статистика, 2009 г.

VII. Интернетдан олинган адабиётлар:

34. [www. portal.uz](http://www.portal.uz)
35. [www. ziyonet. uz](http://www.ziyonet.uz)
36. [www. lexs.uz](http://www.lexs.uz)
37. www.biznes.ru
38. www.business.com
39. www.businessbuy.ru
40. www.businesspress.ru
41. www.list.ru
42. [www. gov. uz.](http://www.gov.uz)